*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И*

## 2003 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида

**(Боши 1-бетда)**

пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пахта хомашёси етиштиришни кўпайтиришдан манфаатдорлигини рағбатлантириш мақсадида белгиланган прогноз ҳажмларидан ортиқча етиштирилган пахта хомашёси учун жорий ҳисоб-китоблар ягона харид нархларидан 20 фоиз ортиқ бўлган шартномавий нархлар бўйича амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги;

етиштирилган пахта хомашёси учун якуний ҳисоб-китоблар уни пахта толасига қайта ишлашда тола чиқиши ва ишлаб чиқарилган пахта толасининг сифатига қараб ҳамда жаҳон бозорида шаклланаётган нархлар конъюнктураси ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги ПФ-3114-сон Фармонини бажариш юзасидан жорий йилнинг 27 августига қадар жаҳон бозорида пахта толаси учун шаклланаётган нархлар конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда харид нархларини белгиласин ва бир ҳафта муддатда пахта етиштирувчи хўжаликларга харид нархлари прейскурантини ва ҳисоб-китоб қилиш тартибини етказсин.

Қўлда ва машинада терилган пахта учун ҳақ тўлаш пахта ҳосилини йиғиштириб олиш учун ўтган йил тўланган ҳақ даражасидан камида 10 фоиз ортиқ бўлиши керак.

Пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари технология карталарига мувофиқ пахта хомашёси етиштириш харажатларини ва йиғим-терим шартларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек пахта ҳосилдорлиги ва молиявий имкониятларга қараб теримчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган энг кам нархлардан келиб чиқиб, бироқ ундан кам бўлмаган миқдорларда табақалаштирилган ҳақ тўланишини таъминласинлар.

3. «Ўзкимёсаноат», «Ўзқишлоқхўжаликкимё» компаниялари ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини дефолиантлар билан таъминлашда, техника воситаларини тайёрлашда ва ғўзани ўз вақтида дефолиация қилиш учун зарур миқдорда самолётлар ажратишда амалий ёрдам кўрсатсинлар.

4. «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси:

пахта йиғим-теримида ва пахта тайёрлашда қатнашаётган техниканинг узлуксиз ишлашини таъминлаш ҳамда ерни шудгорлашни тугаллаш учун вилоятларнинг тақдим этилган ҳисоб-китоблари бўйича ёнилғи-мойлаш материалларининг зарур заҳирасини яратсин;

қишлоқ хўжалиги корхоналарига, машина-трактор паркларига, пахта тозалаш саноати корхоналарига ва пахта хомашёсини йиғиштириб олиш, ташиш ва унга ишлов беришда банд бўлган бошқа ташкилотларга ушбу ишларни бажариш учун зарур миқдорларда ёнилғи-мойлаш материаллари узлуксиз етказиб берилишини ташкил этсин.

5. 2003 йил пахта хомашёсини ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олишга кўмаклашиш учун ишчи гуруҳ ташкил этилсин, унга:

йиғим-теримга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни тезкорлик билан ҳал қилиш;

пахта хомашёси етиштирувчилар билан келишган ҳолда дефолиацияни ўтказиш муддатларини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 август



«Қўқон нон» масъулияти чекланган жамият бугунги кунда 36 хил нон ва нон маҳсулотлари билан эл дастурхонини безамоқда. Шунингдек, бу ерда ўн турга яқин макарон ва кондитер маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Корхонанинг иккита филиалида ҳам иш қизғин. Бу ерда тайёрланаётган таркибида йод бўлган сифатли нон маҳсулотлари айниқса харидорларга манзур бўлмоқда.

**Суратда: қадоқловчи М.Тожиева.**

**F.ХИДИРОВ олган суратлар**



### 150ГА ЯҚИН КИШИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ

Шофирконда бўлиб ўтган навбатдаги меҳнат ярмаркасида тумандаги 26 та корхона ва ташкилот томонидан 76 та янги иш ўринлари таклиф этилди.

Ярмаркада туман меҳнат ва ижтимоий муҳофаза бўлими томонидан рўйхатга олинган юздан зиёд йигит-қизларнинг 37 нафари ўз касб-ҳунарлари бўйича ишга жойлаштирилди.

Йил бошидан буён туманда тўрт марта шундай тадбир ташкил этилди. Унда туманнинг 80 та корхона ва ташкилоти ишсизларга 232 та бўш иш ўринларини таклиф этишди. Натижада 150 га яқин киши ишга жойлаштирилди.

**"Туркистон-пресс"**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И*

## Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

**(Боши 1-бетда)**

хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат активлари бошланғич нархини босқичма-босқич пасайтириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

2. Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси (Р.Азимов)га:

инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан бепул бериладиган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари, паст ликвидли объектлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

истисно ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хулосасига кўра инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятларининг бажарилишини 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтириш ваколати берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

давлат корхоналари ва объектлар фақат танлов асосида энг яхши инвестиция лойиҳаларини ва корхонанинг кредиторлик қарзини тўлашни ўз ичига олувчи мажбуриятларни таклиф этган инвесторларга инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан бепул берилади;

корхонани (объектни) инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан бепул олган инвестор томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки зарур даражада бажарилмаганда, бепул бериш тўғрисидаги шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади, бунда объект белгиланган тартибда инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан қайтадан сотувга қўйилиши керак;

инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга бепул берилган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича олдинги йиллардаги тўланишига ишонч бўлмаган қарзлари, шу жумладан улар бўйича пеня ва жарималар ҳисобдан чиқарилади;

мулкдор - юридик ёки жисмоний шахс инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан бепул олинган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхонаси (унинг мол-мулки), паст ликвидли объект бўйича тегишли равишда даромад (фойда) солиғига ҳамда жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиққа тортилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Телерадио компанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарор аҳамиятини, шунингдек паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарни, паст ликвидли объектларни инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан мамлакатимиз инвесторларига ва хорижий инвесторларга бепул беришнинг ҳамда хусусийлаштирилган корхоналар давлат активларини уларнинг номинал қийматидан паст нархларда сотишнинг боришини кенг ёритиш ишларини ташкил этсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 август



